



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

25 май куни халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятининг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги салмоқли ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди. Вилоятнинг юртимиз галла мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, саноат ва қурилиш, ободончилик, ижтимоий соҳа бўйича амалга оширилган ижобий ишлари Андижон аҳли меҳнатининг самараси эканини қайд этди.

Вилоятда галла ҳосилдорлиги бир неча баробар ошди. Янги, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ҳисобига пахта ҳосилини барвақт йиғиштириб олиш ва юқори навларга топшириш имкони пайдо бўлди.

Бугунги кунда вилоятда юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. Вилоят кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз маҳсулотларини жаҳоннинг кўплаб мамлакатига экспорт қилаётди. Шу билан бирга, вилоятда ҳали ечилмаган, биринчи галда, одамларни ташвишга солаётган муаммолар анчагина. Бу, аввало, раҳбарлик лавозимида ўтирганлар ўз масъулиятини қай даражада ҳис этиб, сезиб ишлаётганига тегишли. Президентимиз ана шулар ҳақида баҳолиқли тўхтади. Мавжуд ноҳус ҳолатлар вилоят раҳбарияти фаолиятига ҳолис баҳо бериб, зарур чораларни кўришни талаб этганини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Қўбилжон Обидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислон Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири лавозимида ишлаб келаётган Сайдулло Бегалиев вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Асака тумани ҳокими Тиллаовди Ёқубов, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаззам Шамсбоева, Андижон қишлоқ ҳўжалиги институти ҳузуридаги Куйганер академик лицейи ўқитувчиси Оминахон Оминова, Андижон туманидаги "Усмон ҳожи" фермер ҳўжалиги раҳбари Абдураҳмон Болтабоев ва бошқалар Ўртаб-шумиш нутқида қўйилган вазифалар барчани янада ташаббускорлик ва масъулият билан ишлашга ундашини таъкидладилар.

(ЎЗА).

СУРАТЛАРДА: сессиядан лавҳалар. Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

Президент Ислон Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!
Мухтарам депутатлар!
Авваломбор, бугун сиз, мухтарам Андижон элининг вакиллари билан дийдор кўришиб хурсанд бўлганимни ва шу имкониятдан фойдаланиб, бутун вилоят аҳлига ўзимнинг ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан мамнунман.

Хар доим мана шундай учрашувларда мен одамлардан ҳол-аҳвол сўраш, уларнинг ишлари, кайфиятларидан хабардор бўлиш билан бирга, уларнинг ҳаёт кечирishi, ҳаёт ташвиш ва ўзгаришларига муносабатини билдиришни истайман.

Хозирги кунда юртимизда, жумладан, Андижон замининда бўлаётган жараёнларга сизлар қандай раҳи бераёсизлар — нимадан рози, нимадан норозисизлар, нималар сизларни безовта қиляпти, деган масалалар мени биринчи навбатда қизиқтиради, эътиборимни ўзига тортади.

Бунинг сабабини тушуниш кийин эмас, деб ўйлайман. Халқимиз бугун белини қаттиқ боғлаб, олдида турган эзгу ният ва марраларга эришиш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган бир пайтда немалар, қандай муаммолар йўлимизда тўсиқ бўлиб турганини, барчамизни ташвишга солаётганини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Аввало, бу муаммоларни, ҳаётимизда содир бўлаётган воқеаларни ўртага қўйиб, уларни атрофлича таҳлил қилиб, ҳолисона баҳосини бермасак, зарур ечимини топмасак — ҳаммамизга аён бўлиши керак — бундай ҳолат чуқур илдиз отиб, яхшиликка олиб келмайди.

Худди мана шундай кўз билан қараб, кейинги йилларда Андижон вилояти аҳлининг машаққатли, мардона меҳнати эвазига қўлга киритилган марралар ҳақида, шу билан бир қаторда ҳали ечилмаган, биринчи галда, шу ерда истиқомат қилаётган одамларни ташвишга солаётган муаммолар тўғрисида, учраётган хато ва нуқсонлар, аввало, раҳбарлик лавозимида, мансабда ўтирганларнинг масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга руҳсат этгайсиз.

Бугун ҳеч кимга сир эмас, вилоятнинг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги салмоқли ўрни ва аҳамияти, Андижон халқининг ибратли ва фидокорона меҳнати ҳақида кўп гапирish мумкин. Айниқса, вилоят меҳнатқашларининг истиқлол йилларида қўлга киритган катта ютуқларини бугун яна бир бор эслаш, эътироф этиш ўринли бўлади.

Андижон халқининг мамлакатимиз галла мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини, саноат ва қурилиш, ободончилик, ижтимоий соҳа бўйича амалга оширилган ижобий ишларини халқимиздан ўтказадиган бўлсак, Андижонни Андижон қилган, унинг шўхратини дунёга таранум этаётган минг-минглаб заҳматқаш, мард ва фидойий инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Кисқа давр ичида, яъни кейинги тўрт-беш йил мобайнида вилоятда галла ҳосилдорлиги бир неча баробар ошгани — бу албатта, андижонлик деҳқонларнинг нафақат меҳнат жасорати, айти пайтда ватанпарварлик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қишлоқ ҳўжалигида янги, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, шу ҳисобидан пахта ҳосилини барвақт йиғиштириб олиш ва юқори навларга топшириш, ҳар қарч ердан унумли фойдаланиш, умуман, Андижон деҳқончилик мактабида хос илғор ва самарали тажрибалар бугунги кунда бутун мамлакатимизда оммалашиб бормоқда.

Ҳаммамизга маълумки, ўтган йил деҳқончилик учун нихоятда оғир келди. Лекин шундай мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, вилоят пахтакорлари бор имкониятларини ишга солиб, астойдил меҳнат қилганига барчамиз гувоҳимиз.

Ўтган давр мобайнида Андижон вилояти мамлакатимизнинг ўзига хос ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлган йирик саноат минтақасига айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бугунги кунда бу ерда нуфузли чет эл фирма ва компаниялари иштирокида ташкил этилган 100 га яқин замонавий қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Айниқса, маҳаллий ҳомашё асосида ишлайдиган кўплаб кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз маҳсулотини жаҳоннинг 38 мамлакатига экспорт қилаётгани вилоятнинг саноат соҳасидаги салоҳияти қанчалик юксалганидан далolat беради.

Нафақат вилоят маркази, балки олис туман ва қишлоқларнинг ҳам қиёфаси ўзгариб бораётгани вилоятда ободончилик соҳасида ҳам катта ишлар қилнаётганини кўрсатади. Шулар қаторида хозирга қадар 60 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, кўплаб замонавий спорт иншоотлари қурилиб ишга туширилганини бу борадаги салмоқли кадам, деб баҳолаш лозим.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ


С.Бегалиевни Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ;
Сайдулло Бегалиев Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Қ.Ф.Обидовни Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида
Қўбилжон Гофурович Обидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 май.



Олий Мажлисида

Кеча Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятидаги ижроси масаласи кўриб чиқилди. Йиғилишнинг комиссия раиси Ш. Салимова олиб борди.

Аёл ва имтиёз

Айтиш жоизки, хотин-қизлар ушбу Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиб келишмоқда. Хусусан, вилоятда иш билан банд хотин-қизлар 607,6 мингга ташкил этади. Вилоят ҳокимлиги томонидан хотин-қизларни иш жойлари билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилган. Дастур асосида 2003 йилда оилавий тадбиркорликни

ривожлантириш мақсадида 246 миллион сўм кредит ажратилган. Ишламайдиган аёллар боласи икки ёшга тўлгунга қадар, кам таъминланган, шунингдек, вояга етмаган болалари бор оилалар мунтазам равишда нафақа олиб келаяпти. Аёллар орасида сил, йод танқислиги, камқонлик, грипп ва бошқа касалликларнинг олдини олиш ҳамда бундай касалликларга чалинганлар-

ни соғломлаштириш ишлари доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Депутатлар ишчи гуруҳи қонун талабларини ўрганиш жараёнида бир қанча камчилик ва нуқсонларни ҳам аниқлашди. Жумладан, ёлғиз яшовчи пенсияонерларга ёрдам кўрсатиш етарлича ташкил этилмаган. Ҳузур, Китоб, Нишон туманларида пенсия ва нафақаларни кечиктириб тўлаш ҳоллари рўй берган. Вилоятнинг айрим туманларида икки ва ундан ортиқ 12 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга қўшимча таътил берилмаган. Уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни ишдан бўшатish ҳоллари учрамоқда. Бундан ташқари, меҳнат ва жамоа шартномаларини тузишда қонун талаблари бузилган.

Йиғилиш сўнггида комиссия бу масалалар ечимни юзасидан тавсиялар берди.

Худойберди ЭШМАНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

АФГОНИСТОН АЛОҚА ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Ф.АРЗИЕВ). Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Утиш Ислон Давлати алоқа вазири Мухаммад Маъсум Санақзай бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов билан учрашди.

Мулукот чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, Афғонистонда алоқа ва ахборот соҳасини тиклашда Ўзбекистон қончалари, малакали мутахассисларнинг тажрибаси ва салоҳиятидан фойдаланиш, икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри ва транзит телефон алоқасини йўлга қўйишга оид масалалар муҳкама этилди. Афғонистоннинг Ўзбекистон имкониятларидан фойдаланган ҳолда Транс-Осиё-Европа халқаро тармоғига чиқиши ҳақида сўз борди.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРАИГИДА УЧРАШУВ

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотибининг ўринбосари, БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) ижрочи директори Антонио Мариа Коста 25 май куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соҳиб Сафоев билан учрашди.

Сўхбат чоғида БМТ вакили Ўзбекистоннинг наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, халқаро террорчилик ва трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги фаол саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Учрашувда халқаро террорчилик, террорчиликни молиялаштириш, гиёҳванд моддалар контрабандаси каби иллатларга қарши курашда халқаро миқёсдаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш масалалари, қўшни Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

ПОЛЬШАЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Польша Республикаси Президентининг халқаро масалалар бўйича маслаҳатчиси Анджей Майковски раҳбарлигидаги делегация вакиллари 25 май куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соҳиб Сафоев билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон-Польша муносабатлари жадал ривожлантиришга мамнуният билан таъкидланди. Томонлар мамлакатларимиз иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар кўламини янада кенгайтириш имкониятига эга эканини қайд этиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан фикр алмашилди.


Учрашув якунида Ўзбекистон ва Польша ҳукуматлари ўртасида 2004-2006 йилларда маданият, фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик бўйича Ижро дастури қабул қилинди. Ҳўжжатга мамлакатимиз ташқи ишлар вазири С.Сафоев ҳамда Польша ташқи ишлар вазири ўринбосари А.Залудки имзо чекиди.

Шу куни Ташқи ишлар вазири-лигининг Қабуллар уйида Архив материалларини ўрганиш бўйича Ўзбекистон-Польша қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондаги поляк миллатига мансуб аҳолининг тарихини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот тингланди.

Маълум қилинишича, айти пайтгача Ўзбекистондаги полякларнинг тарихига бағишланган архив маълумотларининг етмиш фоизи Польша томонига топширилган. Яқин вақт ичида бу борадаги ишлар якунига етиб, жорий йилнинг сентябрида Варшавада Ўзбекистон ҳукумати томонидан тақдим қилинган архив материалларининг кўргазмасини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

А.Абдувоҳидов ҳамда Польша Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Майковски имзо чекиди.

(ЎЗА).



Хирмонга барака, Сурхон валлақорли!

Сурхондарёда жавзони ҳосилати ой, деб билишадди. Бу паллада зардолли сарғайиб, ортаки сабзавотлар етилади. Галлага ўроқ тушади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Жавзонинг илк кунини Жарқўрғонда бугдой ўрими бошлади.

Туманимиздаги 9 минг гектар бугдойзорда яхши ҳосил етиштирилди, — дейди машина-трактор парки раҳбари С. Бобоназаров. — Бугун барча ҳаракатларимиз ўрим-йиғимни 20-25 иш кунини бажаришга қаратилган. Абдуқолиқ Тўраев, Окбой Қилчиев сингари қўбилжонларимизнинг ҳар бири масъул 650-700 гектардан галлани ўриб-ячиб беришмоқчи.

Вилоятда бу йил 100 минг гектардаги галла ўрилади. Қизилқум, Музабод, Шеробод туманларида ҳам ўрим-йиғим ишлари бошлаб юборилди.

Олимжон УСАНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Илмий тадқиқотларга эътибор кучаяди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида докторлик диссертацияларининг илмий-назарий асослари кучайтириш, мавзуларни долзарб муаммоларга йўналтириш ва мувофиқлаштириш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юрталари ва илмий муассасаларнинг докторантлари, илмий тадқиқотчилар иштирок эттиди.

Семинар-кенгашни ўтказишдан мақсад — республикамизда олиб

борилаётган илмий тадқиқотлар, бажарилган ва бажарилмаган докторлик диссертацияларнинг буғунги кундаги аҳоли, уларнинг сифатини ошириш борасида қилиниши, эътибор берилиши л о з и м бўлган ҳолатлар ҳақида фикрлашиш, таклиф-ис-таклар асосида бир хулосага келишидир.

Кенгашда республикамиз илмий салоҳияти ва ҳимоя қилинаётган диссертацияларининг сифати ҳамда уларнинг ил-мий-назарий савияси

ҳақида сўз борди. Аксарият диссертацияларда йирик илмий муаммолар тадқиқ этилмади, мавзу номланиши баландпарвоз бўлгани билан худди шу м а с а л а бўйича жа-ҳон олимлари эришган муваффақи-ятлар, тадқиқотлар танқидий ўрганилмади. Ай-никиса, ижтимоий-гумани-тар соҳалардаги кўп-лаб диссертацияларда мавзу биринчи бор тадқиқ эти-лаётгани, йирик назарий натижаларга эришилгани ҳақида таъкидланади, ишнинг ўзида бундай

даъволарга асос кўри-майди.

Тадбир якунида ОАК раиси М.Муҳитдинов Олий аттестация комис-сиясида бўлаётган исло-хотлар, докторлик дис-с е р т а ц и я л а р и г а кўйилаётган талаблар, уларни баҳолаш мезонла-ри тўғрисида гапириб, ОАК ташкил топгандан бери ҳимоя қилинган док-торлик диссертациялари-нинг чуқур таҳлилини кел-тирди. Бажарилмаган илмий ишлар жаҳон та-лаблари даражасида му-камал иш бўлиши ло-зимлигини таъкидлади.

Н.МАЖИДОВ.

Анжуман

Хабарлар оқимидан

Халқаро конференция

Ўзбекистон Давлат жа-ҳон тиллари университетиде инглиз тилини ўқити-шнинг замонавий услублари-га бағишланган конферен-ция бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари тилни ўқитиш методикасига оид материаллар кенг чоп эти-ладиган «Форум» журнали-даги мақолалар юзасидан фикрлашди. Ушбу ман-ба АКШда нашр этилиб, ўқитувчилар малакасини оширишда қўл келмоқда. Конференцияда универси-тет ректори Ф.Шоумаров, Минтақавий инглиз тилини ўқитиш дастури директори, доктор Лиза Харшбаргер, АКСЕЛС дастури раҳбари Эрик Якоб ҳамда бошқа хори-жийлик мутахассислар қат-нашдилар.

Дилноза НОМЗОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.

Мақом кечаси.

Урганч шаҳрида «Хавас-корлик мақом жамоалари» вилоят кури-танлови ўтказилди. Хоразм вилояти ма-даният ишлари бошқарма-си халқ ижодиёти ва мада-ний-маърифий ишлар ви-лоят услубият маркази таш-кил этган ушбу танловда жойларда фаолият кўрсата-ётган мақомчилар жамоа-лари, ёш ижрочилар ишти-рок эттиди.

Истеъодлар танловида Урганч шаҳри ва Хива ту-мани мақомчилар жамоаси юқори кўрсаткичларга эришди. Хонқалик мақом-чилар иккинчи, шовотлик-лар эса учинчи ўринни эгаллашди. Ғолиб жамоа Марғилон шаҳрида ўткази-ладиган мақомчилар кури-танловида иштирок этади-лар.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фильм тақдироти

Сўнгги пайтларда ўзбек ва афғон киноларининг ижодий ҳамкорлиги ривож-ланиб бораётган. Кино эк-ранларида намойиш этила-ётган «Гурбат», «Чавандоз» фильмлари ана шу ҳамкор-лик натижасидир. Кун кеча Ўзбекистон Давлат консер-ваториясида ўзбек кино-ижодкорлари ва Афғонис-тоннинг «Жайхунфильм» студияси ҳамкорлида су-ратга олган «Булуғлар» («Абрхо») фильмининг тақ-димоти бўлиб ўтди.

Афғонистонлик киноре-жисёр Сиддик Обидий су-ратга олган ушбу фильмда асосий ролларни афғон ак-тёрлари билан бир қатор-да М. Узоқов, Ю. Хамидо-ва, У. Юнусов сингари ўзбек актёрлари ҳам ижро этишган.

Ш.САЛИМОВ.

моний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари бундан мустасно.

13-модда. Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шарт-номаларига мувофиқ амалга оширилади.

14-модда. Низоларни ҳал қилиш

Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида бел-гиланган тартибда ҳал қилинади.

15-модда. Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўла-дилар.

Қонун лойиҳаси бўйича таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасига қуйдаги ман-зилга юборишингизни сўраймиз:

700035, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.
Телефон: 139-86-43, 139-80-49.

12

Қирқиш чизиги

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳамда жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллашти-ришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши ку-рашишда иштирок этувчи тегишли органларнинг иши-ни мувофиқлаштириб боради;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича ушбу Қонунга мувофиқ тарзда оли-надиган ахборотлар таҳлил қилинишини амалга ошира-ди;

мажбурий назоратни амалга оширади;

пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

етарлича асослар бўлган тақдирда жиний фаолият-дан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терро-ризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни тегишли органларга юбориш ҳамда шу билан бир вақтда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташки-лотларга ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи ва учин-чи қисмларида кўрсатилган операцияларни тўхтатиб ту-риш тўғрисида кўрсатмалар йўллади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органининг жиний фаоли-ятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терро-ризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғриси-даги қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идо-ралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхо-налар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор, шахс-лар ва фуқаролар ушбу этиши учун мажбурийдир.

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари

10

Қирқиш чизиги

зонлари ва уларнинг аломатлари белгиланади.

Ички назорат қоидаларини махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бил-дан келишув асосида белгилайди.

8-модда. Идентификациялаш

Идентификациялаш қуйдаги маълумотлар асосида амалга оширилади:

жисмоний шахс ҳусусида — исми, фамилияси, отаси-нинг исми, туғилган санаси ва жойи, доимий ва вақ-тинчалик яшаш жойлари, паспорти (туғилганлик ҳақида-ги гувоҳнома) серияси ва тартиб рақами, у берилган сана ва жой;

юридик шахс ҳусусида — фирма номи, жойлашган ери (почта манзили), шунингдек унинг номидан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ опера-цияда иштирок этувчи жисмоний шахснинг иденти-фикациялари.

Юридик ёхуд жисмоний шахс ушбу модданинг би-ринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этма-ган тақдирда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк бил-ан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташки-лотлар мазкур операцияларни бажаришни рад этиди, юридик ёхуд жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари бундан мустасно.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар иденти-фикациялаш маълумотларини қонун ҳужжатларида бел-гиланган муддат мобайнида сақлашлари шарт.

9-модда. Жиний фаолиятдан олинган даромад-ларни легаллаштиришга ва терроризмни молия-лаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахбо-ротдан эркин фойдаланишни чеклаш ҳамда бун-дай ахборотни тарқатмаслик

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ

8

Қирқиш чизиги



Лойиҳа

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2004 йил

Бўқлаш чизиги

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади жиний фаолиятдан олин-ган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни мо-лиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабат-ларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Жиний фаолиятдан олинган даромад-ларни легаллаштиришга ва терроризмни молия-лаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легал-лаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартно-масида Ўзбекистон Республикасининг жиний фаолият-дан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терро-ризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан бошқа-ча қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоида-лари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйдаги асосий тушунчалар қўллани-лади:

Бўқлаш чизиги

Лойиҳа

4-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйда-гилардир:

банклар, кредит уюшмалари ва бошқа кредит ташки-лотлари;

инвестиция фондлари, депозитарийлар ва бошқа тур-даги инвестиция институтлари;

биржалар;

суғурталовчилар;

лизинг хизмати ёки бошқа молиявий хизматлар кўрс-атувчи ташкилотлар;

почта алоқаси ташкилотлари;

ломбардлар;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

нотариал идоралар (нотариуслар).

5-модда. Жиний фаолиятдан олинган даромад-ларни легаллаштиришга ва терроризмни молия-лаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар

Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легал-лаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларга қуйдагилар қиради:

мажбурий назорат;

ички назорат;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш чоғида юридик ва жи-моний шахсларни идентификациялаш.

6-модда. Мажбурий назорат

Мажбурий назоратни Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган махсус

Бўқлаш чизиги

5

«ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий акциядорлик БИРЛАШМАСИ

2003 йил якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини 2004 йил 22 июнь кунин соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 8-уй, 1-қаватда ўтказилади.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 22 май ҳолатига тузилган.

КУН ТАРТИБИ:

1. Бирлашма ижроия органи бошқаруви раисининг 2003 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи.
2. 2003 йил баланси ва аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. 2003 йилги фойдани тақсимлаш ва дивиденд тўлови.
4. 2004 йил учун бошқарув раисини сайлаш ва бизнес режасини тасдиқлаш.
5. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
6. Тафтиш гуруҳини сайлаш.
7. 2004 йил учун аудитор тайинлаш.

Кузатув кенгаши.

«МУСТАҚИЛЛИК ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ»

ҳиссадорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2004 йил 20 июнь кунин соат 14.00 да бўлади.

Манзил: Қуйи Чирчиқ тумани, «Ўзбекистон» тажриба хўжалиги, Фурқат кўчаси, акциядорлик жамиятининг биноси.

Акциядорлик жамиятининг реестри 2004 йил 20 май ҳолатига ёпилган.

КУН ТАРТИБИ:


1. Ижроия органининг 2003 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ҳамда аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Бухгалтерия баланси ва молиявий натижа-ларини тасдиқлаш.
4. Соф фойдани тақсимлаш ва дивиденд ҳажмини белгилаш.
5. Бошқарув раисини сайлаш.
6. 2004 йил учун ижро органининг бизнес-режасини тасдиқлаш.
7. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
8. 2004 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
9. Кузатув кенгаши ижроия органи ва тафтиш комиссиясини моддий рағбатлантириш.

Кузатув кенгаши.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Хар доим Тошкентдаги омбордан.

Телефон: 134-48-11



O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!



Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШДА ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

«Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш» объекти бўйича пудрат

таълимов савдоси оёғини қилади.

Буюртмачи — Сирдарё вилояти ҳокимлиги қурилишда ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси. **Манзил:** Гулистон шаҳри, Ахтимова кўчаси, 30-уй. **Телефон:** (8-3672) 27-63-85.

Қурилиш ишлари давлат маблағи ҳисобидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 365-сонли қарори асосида молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйдаги талабларга жавоб беришлари керак: ҳисоб рақамларида ёки захирада қурилиш материаллари, объект қийматининг камида 20% айланма маблағи бўлиши, бундай маблағ бўлмаган ҳолатда ана шу миқдорда банк кредит бериши мумкинлиги ҳақида кафолатнома мавжудлиги, объекта ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари мавжудлиги, ўша объектлар қуриш бўйича тажрибага эга бўлиши, шартнома тузиш ҳуқуқига эгалиги.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар савдо ташкилотчиси Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш консалтинг марказига сўронома билан эълон чоп этилгандан сўнг 15 кун давомида қуйдаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Гулистон шаҳри, Ахтимова кўчаси, 30-уй. Телефон/факс: (8-3672) 27-64-84.

Маълум ҳужжатларининг бир нусхасини нархи — 60000 э.ш.и.

Оферталар юқориде кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва уларни тақдим этишининг охири мuddати — танлов комиссиясининг шу объектлар бўйича йиғилиш ўтказиладиган кунин соати. Танлов савдолари эълон чоп этилгандан 15 кундан кейин ўтказилади.

